

1-топшириқ.

В.Гюгонинг “Клод Гё” қиссаси бош қаҳрамони саводсиз бўлса-да, ақлли, фаросатли ва лаёқатли оддий ишчи Клод Гёнинг ўғрилик, сўнг қотиллик жиноятини содир этиши сабабларини изоҳланг. Клод Гёнинг жиноятига хуқуқий баҳо беринг. Асар қаҳрамони ва унинг жиноятига берилган жазо хусусида фикрларингизни баён этинг.

2-топшириқ.

“Клод Гё” қиссаси асосида Виктор Гюгонинг сиёсий-хуқуқий қарашларига баҳо беринг. Қиссада инсон хуқуқлари, ижтимоий тенгсизлик, адолат ва одиллик ғояларининг ифодаланишини мисоллар асосида таҳлил этинг.

3-топшириқ.

Ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг юзага келиш сабабларини Тоҳир Маликнинг “Алвидо, болалик” қиссаси мисолида ёритиб беринг. Асар қаҳрамони Қамариддиннинг жиноят кўчасига кириши сабабларини изоҳланг.

4-топшириқ.

Ф.М.Достоевский “Жиноят ва жазо” романида жиноятнинг очилишида психологик ёндашув “жиноятчининг руҳий ҳолатини ўрганиш”нинг ўрни хусусида фикр билдиринг.

5-топшириқ.

Хуқуқшунослик факультетининг собиқ талабаси Родион Романович Раскольников содир этган жиноятга хуқуқий баҳо беринг. Содир этилган жиноят юзасидан айблов нутқи тузинг.

6-топшириқ.

Хуқуқшунослик факультетининг собиқ талабаси Родион Романович Раскольников содир этган жиноятга хуқуқий баҳо беринг. Родион Романович Раскольников содир этган жиноят юзасидан ҳимоя нутқи тузинг.

7-топшириқ.

Франц Кафканинг “Ота ҳукми” ҳикоясидаги асар қаҳрамони ўз хатти-ҳаракатлари ва атрофдагилардан бегоналашиши билан ўзига-ўзи ҳукм ўқийди. Бунга сабаб бўлган ота ва бола муносабатига хуқуқий баҳо беринг.

8-топшириқ.

Исҳоқжон Нишоновнинг “Суд” ҳикоясидаги раис бува каби қаҳрамонларнинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо беринг. Бундайларга қарши жамият қандай курашиши керак деб ўйлайсиз? Бу хусусда ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.

9-топшириқ.

Франц Кафканинг “Қонун қасри” кичик насрый асари фалсафий муроҳадага чорлайди. Сиз бу асардан нимани тушундингиз? Қонун қасри дарвозасида турган соқчи образи ҳаётимиздаги кимларга қиёс қилингандай? Бу хусусда ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.

10-топшириқ.

Юрист адиллардан бўлмиш Франц Кафка “Дўст жонига қасд”, “Химоячилар”, “Қонунлар хусусидаги масалага доир” ва “Янги адвокат” ҳикоялари орқали нима демоқчи? Қайси ғояларни илгари сурган? Кафканинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ҳакида ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

11-топшириқ.

Вильям Шекспир драмаларида ўрта аср қонунчилиги ва диалектикаси бениҳоя аниқлик билан ўз ифодасини топганлиги хусусида мулоҳазаларингизни билдиринг. В.Шекспирнинг ижтимоий-ҳуқуқий қарашларига баҳо беринг.

12-топшириқ.

Юриспруденцияда мутлақ кучта эга қоида бор: агар бир киши бошқа бир кимсага қандайдир ҳуқуқ берган бўлса, бу билан у ушбу ҳуқуқка эга бўлган одамга ана шу ҳуқуқни амалга ошириш учун керак бўлган ҳамма нарсани қилишга рухсат беради. Масалан, кимгадир кудуқдан сув олиш ҳуқуки берилган бўлса, унга қудук эгасининг ерида юришга ҳам изн берилади.

В.Шекспирнинг “Венеция савдогари”да ана шу ҳуқукий қоида инсонпарварлик тамойилига зид келади. Бу хусусда ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.

13-топшириқ.

А.Чеховнинг “Буқаламун” ҳикоясидаги кичик мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

Бугунги жамиятимизда ҳам шунга ўхшаш “буқаламунлар” топиладими? Уларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш лозим деб ўйлайсиз?

14-топшириқ.

Истиқлол даври бадиий адабиёти саҳифаларини вараклар эканмиз, ҳозирги давр бадиий адабиёти тили, бадиий нутқ насрый асарларда ҳам янги рух билан бойигани, янги-янги образлар билан бирга, янгича нутқий воситалар ила бойиганини кўрамиз. Бу сўзларнинг танланишида ҳам, янгича гап шаклларида ҳам, фикрлар ҳамда ҳис-туйғуларнинг давр руҳи билан ҳамоҳанг, ҳамнафас бўлишга интилишида ҳам кўринади. Бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

15-топшириқ.

Фозил Тиловатовнинг асари "Қора қузғун" деб номланиши бежиз эмас. Ундаги Жобирбекнинг яхши-ёмон кунларида ҳамроҳ, маслаҳатчи, суюнчик бўлган, аслида эса тубан кимса Шосалимнинг тақдири ўзгача талқинда баён этилиши баробарида унинг атрофида хиёнаткор, жиноятчи кимсаларнинг кирдикорлари ҳам маҳорат билан очиб берилган. Бундай ҳалокатли қисматга сабаб нима? Ота-она тарбияси ёхуд атроф-муҳитми, балки инсонни адаштирувчи нафс кишанларидир? Жобирбекнинг сирли тарзда ғойиб бўлиши ва бу жиноий ишнинг очилиш жараёни ҳақида мулоҳазаларингизни билдиринг.

16-топшириқ.

Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романи ўз даврида шуҳрат қозонган асар бўлиб, талаба ҳаётидан бўлган аянчли драма билан таништиришdir. “Камбағаллик айб эмас, бироқ йўқчилик - иллат”. Биринчисида инсон туғма олижаноб фазилатларни сақлаб қола олади, аммо йўқчиликда уларни ҳеч қачон ва ҳеч ким сақлаб қола олмайди. Асадаги персонажлардан бири бу гапни ҳаётий мисоллар асосида изоҳлаб беради. Университетнинг собиқ талабаси бўлган Раскольников эса бу гапдан тегишли хулоса чиқара олмайди. Натижада йўқчиликдан қутулиш, тезда бойиб кетиш ва юқори мавқега эга бўлиш мақсадида ақлбовар қилмайдиган жиноят содир қиласи. Фожиали жиҳати – қаҳрамон ўз жиноятини оқлайди. Аммо ҳаёт қонунлариadolатли – жиноятнинг жазосиз қолишига имкон бермайди. Бу хусусдаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

17-топшириқ.

В.Шекспирнинг “Венеция савдогари” асарида буюк оламшумул тарихий жараён: соф хуқуқий онгнинг амалда бўлган қонунчиликни ва одил судловни қамраб олган мудҳишлиқ устидан ғалабаси ўз ифодасини топган. Бу пьесадаги бир судлов жараёнининг ғалабаси эмас, балки умуман хуқуқ тарихининг ғалабасидир. Бу хусусда ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.

18-топшириқ.

Ҳусанбой Каримовнинг “Бургут чангалида” асари бугунги куннинг энг оғриқли муаммоларидан бўлган наркобизнес, уюшган жиноятчилик, тадбиркорликдаги ғирромликларни фош этиши билан эътиборга сазовор. Бу иллатларга қарши аёвсиз курашишда хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳамкорликдаги машаққатли фаолиятлари ҳам ишонарли тарзда ёритиб берилган. Мазкур асар қаҳрамонларининг қилмишларига хукуқий баҳо беринг.

19-топшириқ.

Александр Дюманинг “Граф Монте Кристо” асари яратилганига бир неча асрлар ўтган бўлса-да, ундаги улуғвор ғоялар, ўлмас туйғулар, орзулар ва армонлар талқини сира-сира ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўсмирлик ва улуғворлик, эзгулик ва жаҳолат, нафс йўлидаги талатўплар, кимсасиз оролдаги надоматлар, қасосга ундан турли саргузаштлар олами билан ошно бўласиз. Асар бош қаҳрамони Эдмон Данtes – Монте Кристо разолат ботқоғига ботган инсонларни матонат ва ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам инсон тириклигига ёқ уни бенасиб қолдирмаслиги роман ниҳоясида аксини топади. Фақат бунинг учун ... Граф таъкидлаганидек, “кутмоқ ва умид қилмоқ керак”... Бу хусусда хукуқий фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.

20-топшириқ.

Антон Чеховнинг “Ёвуз ниятли киши” ҳикоясидаги терговчининг сўроқ олиб бориш тактикасига эътибор қаратинг ва унинг хатти-ҳаракатларига хукуқий баҳо беринг. Дениснинг қилмишларига ўз муносабатингизни билдиринг.

21-топшириқ.

Нодар Думбадзенинг “Кукарача” қиссасидаги район милициясининг участка инспектори Кукарача ҳақгўй, ҳаммага ғамхўр ва меҳрибон киши, шунинг учун ҳам каттаю кичик уни бошига кўтаради деб таъриф берилган.

Унинг хуқуқни муҳофоаза қилувчи ходим сифатидаги фаолиятига ижтимоий-хуқуқий баҳо беринг. Кукарача сизда қандай таассурот уйғотди?

22-топшириқ.

Рей Бредберининг “Қотил” ҳикоясида кўтарилган руҳий мувозанатни сақлаш муаммосига ўз муносабатингизни билдиринг. Мистер Брок билан психиатр сухбатини таҳлил қилинг. Бу борада сиз нима деб ўйлайсиз? Мистер Брокни оқлайсизми?

23-топшириқ.

Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясидаги Грегор Замза кунлардан бирида эрталаб нотинч уйқудан уйғониб, ўз тўшагида қўрқинчли маҳлуққа айланиб қолганини сезади...

Ха, буюк адибнинг ҳикояси шундай бошланади. Бир қарашда асар ўта бемаънидек кўринади, онгли одам биладики, одам бир кечада судланувчига айланиб қолмайди реал ҳаётда. Энг ҳайратланарлиси, оила аъзолари бу воқеадан ваҳимага тушишмайди. Унга шунчаки кўриниши ўзгарган ўғилларидек муносабатда бўлишади. Эҳтимол, Кафка отаси ортиқча деб билган ишсиз, бирданига омад юз ўғирган ўғлини шу маҳлуқ – оиласига зарар келтирувчи омил қилиб кўрсатгандир?! Бу хусусда ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

24-топшириқ.

Исмоил Шомуродовнинг “Ўлим уйқуси” асарида жиноят қидирав ходими, бир оз хушчақчақ, бир оз ҳазилкаш ва моҳир изқувар Олимнинг сирли, мавҳум жиноятларни устомонлик билан очиш борасидаги ҳаракатлари ҳақида гап бориши сизга маълум. Ҳар доимгидек, бу воқеалар ва жиноятлар ҳам бир-бирини такрорламайди. Ҳар бирининг содир этилиши ва фош этиш йўллари ўзига хос тарзда амалга оширилади. Бу воқеалардан қай бири сизда чукур таассурот қолдирди ва умуман Олимнинг хуқукий фаолиятига ўз муносабатингизни билдиринг.

25-топшириқ.

Дантенинг ўрта асрлар хуқуқшунослигининг тасвирчиси сифатидаги роли кейинги юз йилликлар давомида унинг хуқуқшунослар тафаккурига кўрсатган таъсирига у қадар мос тушмайди. Юриспруденция тарихида Дантега «жой бермасдан» қўп нарса йўқотилмаяптимикин? Очифини айтганда унинг хуқуқшунос сифатидаги салоҳияти адабий буюклиги соясида қолиб кетган ёки аввалги даврлар ғоя ва манбалари билан чегараланиб

қолган. Буни истисно этиш учун унинг изланишлари соҳасига доир устувор йўналишларни аниқлаб олиш керак. Шоирнинг хуқукий фаолиятига ўз муносабатингизни билдиринг.

26-топшириқ.

«...Табиат томонидан ўрнатилган тартибни хуқуқ билан сақлаш керак» деб ҳисоблаган Данте. Акс ҳолда кишилик жамияти дунё тузилишидан узилиб қолади. Бошқа томондан эса ижтимоий қонунлар табиий қонунлар кучи ва заруратига эгадир. Данте бу ҳақда флоренцияликларга мактубида эҳтирос билан ёзган: «...ижтимоий қонунлар фақат вақт тўхтаб қолсагина амал қилишни тўхтатади»; «узоқ вақт давомида умумий ҳокимият писанд этиб келинмаган бўлса ҳам, у ҳеч қачон ўлмайди ва у қанчалик заиф бўлмасин, ҳеч қачон енгилмайди... Буни Тангри ҳам, табиат ҳам хоҳламайди».

«Илоҳий комедия» Дантенинг энг йирик шоҳ асари ва унинг ижоди чўққисидир. «Илоҳий комедия» ўрта асрлар Европа маданиятини ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатган шеърий қомусдир. У ўрта асрлар маданиятининг ўзига хос синтези сифатида бу давр учун якунловчи асар ҳам ҳисобланади. Бу хусусдаги ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

27-топшириқ.

Агата Кристининг “Устаси фаранг ўғрилар” хикоясидаги опа-сингил Скиннерларнинг хатти-харакатларига хуқукий баҳо беринг. Инспектор Слэкнинг ўрнида бўлсангиз, сиз қандай йўл тутардингиз? Опа-сингиллар нима учун бу ишни қилишди? Бу хусусдаги ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

28-топшириқ.

Генри Слизарнинг “Катл куни” хикоясидаги Уоррен Селви тутган йўлни тўғри деб ўйлайсизми? У қандай йўл тутгани маъқул эди? Ҳикояда баён этилган воқеага ўз хуқукий муносабатингизни билдиринг.

29-топшириқ.

Инглиз детектив қиссаси бўлмиш “Moonstone” асарида Уилки Коллинз сержант Куф образини яратди. Бу образ келажак авлодга ўзининг кўп ажойиб феъл-атворлари билан ўрнак бўла олди. “Мени ҳамма нарса билан қизиқаверишга ортиқча вақтим йўқ”, дейди сержант Куф. Бу асарда Куф мамлакат аҳолисига улкан тарихга эга бўлган олмосни ким ўғирлаганини очиш ҳақида интервью беради. Асарда бу воқеаларнинг турли қирралари

очилади. Хукуқшуносликнинг жиноий хулқи ўрта синф кишиларини ташвишга солишини Уилки айтиб ўтади. Текширувчилардан бири афъюон таъсири остида билмаган ҳолда жиноят содир этган. Бунга ўз муносабатингизни билдиринг.

30-топшириқ.

Изқувар бу, албатта, Шерлок Холмс-да. Дунёда бу номни эшитмаган, билмаган одам топилмаса керак. Ҳар қандай мушкүл вазиятда ҳам топқир, билимдон, ўз касбининг устаси, камбағалларга беминнат ёрдам қўлини чўзадиган, танти ва чексиз ақлий қобилияти ҳазиломуз мулоқот билан уйғунлашиб кетган ажойиб хислатлар соҳиби Шерлок Холмс ўз мухлислари қалбидан бетакрор шахс сифатида жой олган. Артур Конан Дойлнинг Шерлок Холмс ҳақидаги туркум қисса ва ҳикояларига ўзингизнинг ижтимоий-хуқуқий муносабатингизни билдиринг.